



# ШЕРИКЛИК ОШ... ТАТИЙДИ

**ЁКИ  
ХОРАЗМДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК ИШЛАРИ  
САМАРАСИ ХУСУСИДА**

Меримбой билан у ёшлиқдан дўст. Тез-тез учрашиб туришади.. Бир-бирларининг ҳол-аҳволидан хабар олишади. Ўтган асрнинг 90-йиллари охирлари эди. Урганчнинг сершовқин кўчаларидан бирида учрашиб қолишиди. Одатдаги салом- алидан сўнг Меримбой унинг қўлтиғидаги қалин папкаларга ишора қилиб деди:

– Нима ҳаракат?

– Ўзинг биласан, иккаламиз ҳам қишлоқнинг шўр тупроғини ялаб, зах сувини ичиб катта бўлдик, – деди Баҳром. – Бир пайтлар Хоразмнинг тупроғи зар, дехқони заргар, сувдони тоза эди. Бугунга келиб Оролнинг куриб бораётгани, асосий сув ҳавзамиз Амударё сувининг турли кимёвий моддалар, пестицидлар билан ифлосланиши оқибатида ўлим- итим кўпайгани турди. Яқинда бир жойда ўқиб қолдим. Маълум бўлишича жами бир ёшга тўлмай ўлган болаларнинг 36,2 фоизи нафас олиш тана аъзолари касалликларидан, 4,3 фоизи эса ёмон инфекциялар ва организмга тушган замбуруғлик касалликлардан вафот этар экан. Буларнинг хаммаси минтақамиизда тоза сувнинг камёблиги билан ҳам изоҳланади. Яқинда давлатимиз “Орол бўйи

қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш чора- тадбирлари тўғрисида” деб қарор қабул қилди. Мазкур қарор Хоразм вилоятидаги энг чекка қишлоқлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини яхшилашга қаратилган. Шу мақсадда Германия мамлакатимизга сармоя киритмоқчи.

– Замонни ўзгарганини қара, Баҳром, – деди Меримбой кулиб. – Гитлер деган одамкүш чиққан заминнинг янги авлоди бугунга келиб одамохунга айланди. Бунда ҳам Парвардигорнинг бир ҳикмати бор-да, нима дединг... Аммо ҳалқда “Олмоқнинг бермоғи ҳам бор”, “Шериклик ош татимас” деган гаплар ҳам йўқ эмас. Ўша одамохунлар бир нарсани кўзласа керакки, ҳамёнларидан пул чиқаришмоқда.

– Энди, Меримбой, ўзинг айтгандек, замонлар ўзгаряпти. Олим кишиларнинг тилида буни “Глобализация” дейди. Шундай экан, эскитдан қолган маталларимизни пеш қилиб ўтирасак, ўтираверамиз. Бирор келиб Оролимизни тўлдириб, еримизни хайдаб, сувимизни тозалаб бермайди. Албатта, немислар ўзлари қўйган сармояларини ортиғи билан қайтариб олишади. Аммо бу орада қишлоқларимиз тоза ичимлик суви билан таъминланади. Касалликлар камаяди. Турмуши-

мизга маза киради. Айтишадику, "Қарз узилади, хотин ёнга қолади" деб. Тўғрисини айтсам, ҳукуматимизнинг қарорини ўқигач, юрагимга олов тушгандек бўлди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган бир корхона очиш ниятим ҳам йўқ эмас...

"Хоразм Оби Ҳаёт" масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) директори биз билан мулоқот қиласар экан, хаёлидан ўша бундан йигирма йиллар нарида бўлиб ўтган суҳбат жонланган бўлса не ажаб. Гарчи унинг хусусий корхонаси кейинроқ, 2004 йилда ташкил этилган бўлса-да, аммо тез орада ҳукуматнинг юқорида тилга олинган қарори асосида амалий ишлар бошлаб юборилди.

- Шартнома шартига кўра лойиха умумий қийматининг 94 фоизи КФБ банк кредитлари, 3 фоизи хусусий ташкилот АИК "Оби Ҳаёт" маблағи, 3 фоизи ахоли маблағлари (ҳар бир хонадан 100 ЕВРО) ҳисобига тўғри келди, - дейди корхона раҳбари. - Лойиха ишга тушган дастлабки даврда истеъмолчилар сувдан ноқонуний фойдаланиш холатлари яъни, сув ўлчагичдан олдин тармоқга яширин улаб олиш, сув ўлчагични тўхтатиб қўйиш ва бошқа хар хил холатлар юз бериши натижасида ҳисобсиз сув сарфи (утечка) 40 фоизгacha кузатилди. Истеъмол миқдори суткалик киши бошига 11 литр бўлиб, жуда паст даражада эди.

Ходимларимиз томонидан ушбу камчиликлар жойида аниқланиб истеъмолчиларга жарималар солиш ва тушунтиришлар орқали бартараф этилиши натижасида ҳисобсиз сув сарфи 10 фоизга тушди, истеъмол миқдори бир-кеча кундузда киши бошига 20 литрга чиқди.

Бугунги кунда аҳоли узлуксиз ва тоза ичимлик суви билан таъминланиши кафолати: сувдан қонуний ва тежаб фойдаланиш, тўловларни ўз муддатида амалга ошириш эканлигини билади.

Германиянинг КФБ банки баҳолаш гурӯҳи 2011 йилда лойиҳанинг аҳволини ўрганиш мақсадида жойларда истеъмолчилар билан учрашиб, вилоят ҳокимлигида ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлди. Ташириф натижалари тўғрисидаги ҳисоботи КФБ банки, Ташқи иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда АИК "Оби Ҳаёт" ўртасида имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистонда хусусий корхона қишлоқ ахолисини ичимлик суви билан таъминлаб келаётганлиги тўғрисида ижобий мақола Германияда чиқадиган нашрларнинг бирида чоп этилган.

"Хоразм Оби Ҳаёт" директори Баҳром Қурбанов салкам чорак аср давр мобайнида давлат билан шерикчилик қилиб амалга оширилган ишларни бир зарб билан қисқача айтган бўлса-да, аммо бу айтилганларнинг ортида қанча-қанча заҳмат, югур-югур, чоп-чоплар бўлгани ҳақида тўхталиб ўтирамди, балки бир пайтлар Меримбойга айтганидек, бугунги тезкор замонда одамларнинг вақтини олишни истамади.

Начора. Экологик вазият чуқур томир отган худудда аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш нақадар масъулиятили вазифа эканини лойиҳа бажарилишини назорат қилувчи ташкилот – Германия иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Федераль вазирлигининг вакиллари доктор Марлис Зибургер ҳамда Маша Клейн хонимларнинг дил сўзлари ҳам ифодалаб турибди. Улар айниқса, сув таъминотидай масъулиятили ишда давлат билан хусусий корхона ўртасидаги ҳамкорликнинг республикада биринчи марта йўлга қўйилганини олқишлийдилар ва ўз маълумотномаларида шундай ёзишади: "Хоразм вилоятида ичимлик сув таъминоти" лойиҳасининг мақсади вилоятнинг бир қатор худудлари аҳолисини кеча-кундуз мобайнида ичимлик суви билан таъминлаш. Лойиҳага айни пайтда бу жойлардаги ер ости сувларининг ўта шўрлангани боис истисно тариқасида мавжуд магистрал қувурлар тизимида уланиш учун қўшимча сув таъминоти тизими курилиши ҳам киритилган. Шунингдек, тармоқса сув сақлаш ҳавзалари, насос ва сувни тозалаш станциялари ва ҳовлиларга сув ўлчагичлари қўйилган сув тарқатиш ускуналари уланган. Буларнинг барчаси сув сифати билан боғлиқ касаллекларни камайтириши зарур эди. Лойиҳанинг тўла амалга ошишида ижтимоий – иқтисодий ва хўжалик юритиш жиҳатидан лойиҳа ижроқисини қўллаб-қувватловчи кўплаб тадбирлар ўтказилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди.. Биз шу маънода "Оби ҳаёт" уюшмаси раиси жаноб Насировга ва "Хоразм оби ҳаёт" хусусий компанияси директори жаноб Қурбановга миннатдорчилик билдирамиз".

Ўзбекистон Республикаси билан молиявий ҳамкор бўлган томонларнинг ўзаро учрашув протоколида эса шулар ёзилган: "Ҳақиқатдан ҳам мазкур лойиҳанинг асосий мақсади гигиена нуқтаи назаридан, сув орқали юзага чиқадиган касаллекларнинг олдини олишдир. Қишлоқ жойларида мазкур лойиҳага зарурият кучли. Маълумотларга кўра, Хоразмдаги қишлоқ жойларида кўпи билан 42 фоиз аҳоли махаллий сув таъминоти тизимида уланган холос. Қолган аҳоли юқори шўрланган ер остидан насослар билан тортиб олинган сувдан ичади. Ана шуларни назарда тутадиган бўлсан, мазкур лойиҳа муҳим аҳамиятга эга. Унинг яна бир дикқатга сазавор томони шундаки, қишлоқ жойларида ичимлик суви таъминоти масаласига хусусий секторнинг бош қўшганлигидир. Бундай қадам нафақат миллий, айни пайтда халқаро ўлчамларда ҳам ўзига хос шиҷоатни ва инновацион бошлананини ўзида ифода этади".

Германиянинг КФБ банки расмий нашри мухбири эса "Хоразм Оби Ҳаёт" корхонаси лидерининг "Биз буни ўзгартиришни истаймиз" деган сўзларини ўз мақоласига сарлавҳа қилиб олди.

"Ўзбекистонда биринчи сув таъминоти хусусийлаштирилди, деб бошланади мақола. "Яхши

жой" сўзи немис тилидан таржима қилинганда Хоразм ҳудуди ҳам тушунилар экан. Чунки мазкур жой ўта экологик фалокат ёқасида турган ҳудуд сифатида изоҳланади. Қозоғистон ва Ўзбекистонга тегишли Орол денгизи бир пайтлар дунёдаги катта Binnensee әди. Бугун мазкур денгиз қишлоқ ҳўжалигини нотўри суғориш натижасида тўла йўқолиш арафасида турибди. Шу билан бирга Орол денгизи ҳудудида ичимлик суви таъминоти ўта қийинлашган. Чунки ушбу ҳудудда Амударё ягона сув манбаси ҳисобланади. Муаммо нафақат сув балансининг бузилганида, шунингдек, ичимлик сув таъминоти учун инфраструктуранинг йўқлигида ҳам. Яқин-яқинларгача кўпгина аҳоли яшаш жойларида одамлар пестициллар, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий дорилар чўкиб қолган ер ости сувларидан ичиб келишган. Жамоат сув таъминоти эса аҳолини узлуксиз равишда сув билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган. Таъминотдаги камчилликларни бартараф этиш учун маҳаллий бюджетнинг маблағи етишмайди.

Ҳудудда вазиятни яхшилаш учун Германия ривожланиш ва қўллаб қувватлаш КФБ банки мазкур ҳудудга 14 миллион еврога яқин маблағ ажратди. Диққатга сазовор томони шундаки, Хоразмда эндиликда ичимлик сув таъминотида хусусий компаниянинг ҳам ҳиссаси бор. Қирқ минг аҳолиси бўлган еттига колхозда сув таъминоти биринчи марта хусусий қўлларга топширилди. Бу қўл "Хоразм оби ҳаёт" ташкилотидир. Ҳудудда таҳминан етти минг уй сув тармоғига уланди. Шунингдек Хоразмдаги олтмиш иккита ижтимоий ташкилотлар, шу жумладан болалар боғчалари, мактаблар ва касалхоналарга ҳам янги тизим орқали сув етказиб берилмоқда. Эндиликда кечаю кундуз жўмракларга сув келиб турибди.

КФБ банкининг таҳлилчиси Кристиан Лаурехаас бундай муваффақиятнинг сабабини, биринчи навбатда, "Хоразм оби ҳаёт" ходимларининг ишбилармонлиги ва уларнинг мунтазам равишда ўз малакаларини ошириб боришиларида деб билади. Жойларда ташкилот раҳбарияти бошчилигида ҳодимлар учун истеъмолчилар билан тизимли ишлаш, сув ўлчагичлардан фойдаланиш, насос станцияларига ҳизмат қўрсатиш юзасидан доимий тренинглар ўтказиб борилди. Эндиликда ҳизматчилар бизнес план ва баланс ҳисоб китобларини тайёрлашни яхши билишади. Айни пайтда улар истеъмолчилар билан муоммалани ҳам жойига қўйишади.

Корхонанинг барқарор ишлашини таъминлаш учун тўрт марта ичимлик сув тарифи сенкин-асталик билан кўтарилиди. Шунга қарамай, сув учун тўлов миқдори Хоразм ҳудудида ўта паст. Сувга бўлган эҳтиёж эса катта. Яқин атрофдаги қишлоқлардан 8000 уй тоза ичимлик сув тармоғига уланиш хоҳишини билдириб корхонага ариза берди".

Юқоридаги маълумотлар ҳақида корхона раҳбари наҳ урмади. Биз уларни Б. Курбонов-

нинг ёрдамчисидан олдик. Журнал ўқувчиларида ичимлик сув таъминотида хусусий ва давлат шерикчилиги ҳақида тўлароқ таассурот яратиш учун ҳозирда "Хоразм Оби Ҳаёт" МЧЖ тасарруфида бўлган лойиҳа тарихига яна бир бор назар ташлаймиз.

"Хоразм Оби Ҳаёт" МЧЖ бошқарувидаги лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июнь "Оролбўйи қишлоқ ахолисини ичимлик суви билан таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида"ги №243 қарори асосида Германиянинг КФБ банки 13,7 млн. ЕВРО кредит маблағлари хисобига ишга туширилган. Мазкур қарор асосида Германиянинг КФБ банки (кредит берувчи), Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги (кредит олувчи ва қайтаришга кафил), Оби Ҳаёт ассоциацияси (ижрочи ташкилот) ўртасида 1998 йил 22 юнда уч тамонлама шартнома имзоланган. Қурилиш ишлари Эроннинг Шимбар компанияси томонидан 2002-2003 йилларда амалга оширилган.

Вилоятнинг Хонқа (5 та), Урганч (1 та), Янгибозор (2 та), Гурлан (1 та), Хива (1 та) туманларида 10 та сув узатиш иншоотлари ва 211 км сув тармоқлари 2004 йил 1 январдан фойдаланишга топширилган. Айни ўша даврда янги ташкил этилган "Хоразм Оби Ҳаёт" МЧЖ ичимлик сув таъминоти бўйича барча ишларни ўз зиммасига олган әди. Шундан бўён корхона сув иншоотлари ва тармоқларини ўз кучи билан жорий таъмирлаб келмоқда. Холати яхши. Корхонада 73 та ходим ишлайди, ўртacha ойлик маоши 850 минг сўмни ташкил қиласди.

Ҳозирда корхона сув иншоотларига уланган 7253 та хонадон (45 минг аҳоли), 74 та ташкилот (МТМ, мактаб, коллеж, КВП, МФЙ ва бошқалар) суткасига 24 соат узликсиз ичимлик суви билан таъминлаб келинмоқда. Корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш орқали кредит ва кредит фоизларини қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2008 йилда Германиянинг GITEC ва Sachsen Wasser консалтинг компаниялари томонидан хизмат кўрсатиш ҳудудларини 2 босқичда кенгайтириш бошланғич ишчи лойиҳалари ишлаб чиқилган. Ушбу кенгайтиришлар 2019-2022 йилларда вилоят ичимлик суви таъминоти тизимини реконструкция ва модернизация қилиш манзилли дастурига киритилиши натижасида кўшимча яна 48 412 нафар қишлоқ аҳолисини тоза сув билан таъминлаш имконияти яратилади.

Афтидан мақолага нуқта қўйиш пайти келди. Аммо унда нимадир етишмай турибди. Муаллифнинг хаёлидан фаромуш бўлган гап нимайкин? Билмадим. Ахир бугунги тезкор замонда не-не воқеалар, не-не шахслар унитилмайди дейсиз. Янгилари эса ҳатто минг йиллик маталларимизни ҳам доғда қолдириб илгарилашмоқда. Тан бермай илож йўқ!

Ё.ХЎЖАМБЕРДИЕВ